

"CARICATURE" - BURNS, LAUGHS.

O. Mamadalieva

Fergana region Beshariq district
No. 18 UNICEF teacher

Annotation. The article talks about the life, work, genre of caricature, its origin and the artists who created in this genre, the essence of the caricature, the famous cartoonist Mahmudjon Eshankulov.

Keywords - Caricature, exhibition, satire, miniature, teleminature.

“КАРИКАТУРА”- КҮЙДИРАДИ, КУЛДИРАДИ.

О. Мамадалиева

Фарғона вилояти Бешариқ тумани
18-сонли БМСМ ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада машхур карикатурачи раасом Махмуджон Эшонқулов ҳаёт йўли, ижоди, карикатура жанри, унинг келиб чиқиши ва бу жанрда ижод қилган рассомлар ҳақида тўхталиб ўтилган, карикатуранинг мазмун моҳияти очиб берилган.

Калит сўзлар- карикатура, кўргазма, сатира, миниатюра, телеминатюра.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени сохиби карикатурачи рассом Махмуджон Эшонқулов Фарғона вилояти Бешариқ тумани 2-сонли касб-хунар мактаби залида ўз шахсий кўргазмасини очди. “Карикатура кўйдиради, кулдиради” деб номланган мазкур кўргазмада ижодкорнинг турли йилларда эълон қилингандай 100 дан ортиқ асарларидан намуналар қўйилган.

Карикатура (италянча caricare-“ошириш”, “урғу бериш”)-аниқ ижтимоий танқидий йўналишга эга бўлган тасвирий санъат тури бўлиб, графика соҳаси (рангтасвир ва ҳайкалтарошликда жуда кам қўлланилади), ҳажв ва қулгили қилиб ишланган расмидир. Тасвирда қулгили ҳолат реал ва фантастик воқеалар билан йўғрилган ҳолда яратилади, ҳарактернинг ўзига хос томонлари бўрттирилган, аччиқ қулги туғдирадиган қилиб тасвирланган. Тасвирдаги маънони изоҳлаш ва тасвирнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида карикатурага матн (баъзан шеър) илова қилинади.

Карикатура хусусиятлари қадимги давр санъати (Қадимги Миср тасвирлари, Юноностон ваза безаклари, Қадимги Рим фрескалари)да, япон ва ҳинд миниатюраларида учрайди. Айниқса, Уйғониш даврида Леонардо да Винчи асарларида Карикатура кенг ривож топди. Карикатура жанр сифатида жамиятда юзага келган кескин ижтимоий қарама-қаршиликларни фош этиш заминида шаклланган. Ўзбекистонда сатирик журналлар (айниқса, “Муштум” журналлари) нашри Карикатура жанри тараққиётига замин яратди.

Уста Мўмин, Д. Синитский, Л. Абдуллаев, Т. Мухамедов, Н. Иброхимов ва М.

Эшонқулов ўз ижод намуналарини гўзал тарзда етказиб беришган.

Мустақиллик даврида Карикатура боқимандачилик, гиёҳвандлик, қаллоблик, ақидапарастлик кабиларни фош этишда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Махмуджон Эшонқулов Республика ва хорижий мамлакатларда ўтказилган турли ижодий танловларда 270 марта ғолиб деб топилган. Жаҳон карикатурачилари ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси сифатида қатнашган. “Муштум” ва бошқа хорижий мамлакатларнинг сатирик журналларида, телеминиатуралар театри саҳифаларида унинг карикатуралари эълон қилинган.

Махмуджон Эшонқулов 1958 йил 21 январда Фарғона вилояти, Бешариқ туманининг Телов қишлоғида туғилган. 1989-1994 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика

Институтининг “Бадиий Графика” факультетини тугатган. Ўзбекистон Бадиий Ижодкорлар Уюшмаси ва Дунё Каракатурачи Рассомлар Иттифоқи (UWC) аъзоси ҳамда UWC нинг Ўзбекистондан вакилидир. Республикаизда ва Хорижий мамлакатларда ўтказилган 1000 дан зиёд жамоавий карикатура ва юмор кўргазмаларининг иштирокчиси. Шахсий карикатура кўргазмаси 2007 йил Сербиянинг Крушевац шаҳрида, 2008 йил Хорватиянинг Осијек шаҳрида, 2008-2010-2012-2013-2018 йиллар Тошкент шаҳрида ташкил этилган.

2003 йил 2-Хитой ЛМ Халқаро Каракатура Танловида, 2012 йили 1-Халқаро Эрон Каракатура Фестивалида ва 2014 йили Истроилнинг 20-Халқаро Хайфа Каракатура танловида Ҳакамлар Ҳайати аъзоси бўлган.

Унинг ишлари Япония, Болгария, Сербия, Хитой, Италия, Польша, Туркия, Корея, Кипр, Хорватия ва Бразилия каби мамлакатларнинг Юмор ва Каракатура музейлари ва архивларида сақланади. 1000 дан зиёд Хорижий китоб ва албомларда, Дунё Каракатура Энциклопедиясида унинг ижодий ишларидан намуналар ва ўзи хақида маълумотлар эълон килинган.

Устознинг бу меҳнатлари қадрланиб бир неча бор диплом ва медаллар соҳиби бўлган. 2008 йили Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени; 2002 йил “Олтин Медал” GOGLM Нанжинг, Хитой; 2004 “1-Ўрин”-Соврини, Токио, Япония, 2005 “Кумуш Медал” Боку, Озарбайжон 2006 “Бронза Медал” Дамашк, Сурия “Олтин Дубулға” Крушевац Сербия 2006 “Олтин Қалам” Тошкент, Ўзбекистон 2006 “1-Ўрин” Соврини, Пирацикаба, Бразилия; 2006 “Кумуш Медал”лар билан тақдирланган.

Биз ҳам 18- Болалар мусиқа ва санъат мактаби тасвирий санъат синфи ўқувчилари ва ўқитувчилари билан биргаликда Махмуджон Эшонқуловнинг шахсий кўргазмасига ташриф буюрдик. Бу ерда 100 дан ортиқ асарларни кўриб хар бир асарни устида таҳлил қилиб ўқувчиларга тушунчалар бериб ўтди. Хар бир асарда бир олам маънолар мужассам, бир кўришда кулгу уфуради, бир кўришда аччиқ хақиқат гавдаланади. Устоз Мухаммад Эшонқулов билан самимий сухбатлашдик. Устоз ўзининг ижод йўлидаги босиб ўтган тажрибалари билан ўртоқлашди. Ўқувчилар бир олам санъатнинг сирларидан баҳраманд бўлишди. Устоз М. Эшонқулов ўзи каби ижодий кўргазмалар қилиб, ўз устимиизда изланишда ўсишда давом этишимизни такидлаб ўтди.